# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 69 (9.261) 1999 йил 16 июнь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


МУСТАҚИЛЛИК: 8 ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

*Саноат*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ

***Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи бугунги кунда бир мақсад йўлида меҳнат қилишмоқда. Улар Мустақиллигимизнинг шонли 8 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга интилишмоқда.***

Олиб борилаётган изланишлар ўз самарасини берганлигини яқинда корхонада ишлаб чиқарилган янги маҳсулот — алюминий қуймаси тайёрланганлигидан ҳам яққол кўриш мумкин. Ўз келажагини ўйлаган корхона, албатта, хорижий шериклар билан ишлаш, энг асосийси, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида, республикамиз иқтисодиётига ҳисса қўшиш ниятида иш юритади. Шу боис ҳам ушбу жамоада тайёрланган алюминий қуймаси ўзининг сифати ва арзонлиги, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу янги маҳсулотдан Россиядан келтириладиган чўян радиаторлар ўрнини босувчи бежирим иситиш батареялари тайёрлаш мумкин. Алюмин радиаторлар эса чўянга нисбатан иссиқликни 1,5 баравар кўп ўтказади. Янги қуймадан «Италмотор» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда алюмин батареялар ишлаб чиқарилади.

*Дилфуза ҒОФУРОВА.*

*«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти 14-термогальваника цехига раҳбарлик қилиб келаётган Рустамбек Муродов ўзининг изланувчанлиги ва ишбилармонлиги билан жамоа аъзолари ва шогирдлари ҳурматини қозониб келмоқда. Цехда амалга оширилаётган ҳар бир юмушда, янгиликда унинг муносиб улуши бор. Шу боис ҳам у киши 1998 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» унвонига сазовор бўлди.*



*СУРАТДА: Рустамбек Муродов (чапда) ҳамкасблари Рафаэль Ҳасанов ҳамда Ҳайитбой Мирзаумидовлар Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш юзасидан амалга оширилажак ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.*

## УНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ БОР

***Шундай одамлар борки, қалби эзгулик, инсонларга меҳр билан йўғрилган. Улар кўпинча ўз ташвишларини бир четга йиғиштириб қўйиб, кимгадир кўмакка шошилади, одамлар унинг ёрдамидан баҳраманд бўлсалар, чеҳраларидаги миннатдорчиликдан қалби тоғдек кўтарилиб, яна ва яна эзгу ишлар қилишга интилади.***

«Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшмаси раиси, хотин-қизлар кенгаши раҳбари Қумри Маҳмудова ана шундай бағри кенг аёллардан. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда чеварликдан бошлаган Қумри опа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтини тугатгач, уста, участка бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди. Қарийб 20 йилдан буён опа корхона аёлларининг энг яқин сирдоши ва маслаҳатгўйи ҳамда касаба уюшмаси раиси.

Корхонанинг маҳсулотлари нафақат диёримизда, балки қўшни давлатларда ҳам харидорлар дидига мослиги билан ажралиб туради. Бу ерда меҳнат қилаётганларга яхши шароит яратиш эса доимо корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси эътиборида.

1999 — Аёллар йили муносабати билан бу жамоада ишлаб чиқилган дастурда аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, кўп болалик оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат фахрийларини эъзозлаш, аёлларга яхши дам олишлари учун санаторий ва профилакторийларга имтиёзли йўлланмалар бериш, уларнинг фарзандлари ёзги таътил кунларида оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш кўзда тутилган.

— Корхонамизда 1900 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилади, — дейди Қумри Маҳмудова. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифатли бўлишида уларнинг ҳиссаси каттадир. Шу билан бирга улар ўз хонадонларида оила бекаси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказувчи ҳақиқий инсон. Лекин шукроналар айтамизки, мустақил юртимизда аёлларимиз меҳнати, унинг жамиятимиздаги роли ўзининг ҳақиқий баҳосини топмоқда. Айниқса, 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши, ҳукуматимиз томонидан уларга берилаётган имтиёзлар аёлларимизни янада руҳлантириб юборди. Зеро, аёллари эътиборли юртнинг келажаги порлоқ бўлади, дейишади. Президентимиз Ислом Каримов ҳам 1999 йилни фахр билан Аёллар йили деб эълон қилар эканлар «Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир» деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ана шундай аёлларимизнинг бир қисми бизнинг корхонада меҳнат қилаётгани билан фахрланамиз.

Қумри опанинг хонасига умид билан кирган аёл ҳеч қачон ноумид қайтмайди. Айниқса, уларнинг ширинсўзи, тўғри маслаҳатлари ёрдамга муҳтож аёлга таскин бериб, дилини равшан этади. Қумри Маҳмудова эса ҳар бир ишчи аёл ортида оила, шириндан шакар фарзандлари борлигини дилдан ҳис этади. Зеро, унинг ўзи ҳам 4 фарзанд ва 9 набиранинг меҳрибони, бахтли оила бекаси. Мустақиллигимизнинг 8 йиллик байрами тобора яқинлашиб келаётган корхонада вужудга келаётган муаммоларни тўғри ва оқилона ҳал этиш йўлида изланаётган ишбилармон аёлдир.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ II СПАРТАКИАДАСИ

Аёллар йили муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллиги шарафига Тошкент шаҳар хотин-қизларининг II-Спартакиадаси шу йил 1—5 октябрь кунлари ўтказиладиган бўлди. Тошкент шаҳар ҳокими шу ҳақда қабул қилган қарорда мазкур Спартакиада «Саломатлик — туман бойлик» шиори остида ўтказилиши таъкидланган.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар касаба уюшмалари кенгаши Халқ таълими, Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари ҳамда «Камолот», «Маҳалла» «Соғлом авлод учун» каби жамғармаларга барча дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда Спартакиадани юксак савияда ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди. Тошкент шаҳар спорт қўмитаси зиммасига спартакиадани барча спорт анжомлари, техник ҳужжатлар ва малакали кадрлар билан таъминлаш, Халқ таълими бош бошқармасига эса, спорт иншоотларини бепул тақдим этиш, мусобақалар жойларини байрамона безаш вазифалари юкланди.

Туман ҳокимликларига шу йил 17—18 июлдан 21-22 августгача бўлган оралиқда махсус график асосида Спартакиаданинг биринчи босқичини юқори савияда ўтказиш, спорт турлари бўйича шаҳар финал мусобақалари иштирокчиларини аниқлаш ҳамда уларни спорт кийимлари билан таъминлаш вазифаси топширилди. Тегишли шаҳар ташкилотлари ва жамғармаларга хотин-қизлар II-Спартакиадасини ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар қарорда аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Пойтахт хотин-қизлари II-Спартакиадасининг Низоми ҳамда Спартакиадага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Б. С. Урдашевни Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида Фармон берди.

◆ Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Хитой Бош вазирининг ўринбосари Цян Цичен раҳбарлигидаги делегация аъзолари ташрифнинг сўнгги кунида Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлди.

◆ Республикамиз адабий жамоатчилиги шу кунларда XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Элбек таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонламоқда. Шу муносабат билан адиб туғилиб ўсган Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида республикамиз адабиёт ва санъат, фан намояндалари, шоирнинг қариндош-уруғлари ва мухлислари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

◆ Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар божхона хизматлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжумани ниҳоясига етди.

◆ Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 560 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди.

◆ Орол бўйида истиқомат қилувчи дастлабки 300 нафар ўқувчини Тошкент вилояти сўлим гўшаларида жойлашган «Алоқачи» ва «Меҳржон» болалар оромгоҳлари ўз бағрига олди. Бу йилги ёзги дам олиш мавсумида Қорақалпоғистон Республикасининг икки ярим минг ўқувчиси Тошкент вилояти оромгоҳларида дам олади.

◆ «Наманганқурилиш» трестига қарашли технологик бутлаш бошқармаси бош ҳисобчиси Авазхон Ортиқов спортлотонинг «ойнаи жаҳон» орқали ўтказилган 113-тиражи ўйинида 11 миллион 700 минг сўм ютиб олди.

◆ Жиззахда ҳамшира қизларнинг анъанавий «Ҳамшира — 99» республика кўрик-танлови ўтказилди.

◆ Республикамизда фаолият кўрсатаётган 36 та профессионал театр ва театр студиялари яна биттага кўпайди. Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносида «Антиқа» театр студиясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

◆ Осиё футбол конфедерациясида ўтказилган қуръа ташлаш тадбирида Осиё Кубок эгалари кубоги мусобақаларида «Пахтакор»нинг рақиби аниқланди. У Қозоғистон чемпиони «Елимай» билан учрашади.

### ЖАҲОНДА

◆ Косово ҳудудига кириб борган Россия тинчлик ўрнатувчи кучлари илғор отрядининг қўмондони генерал полковник Виктор Заварзин кейинги икки сутка мобайнида Серб вилоятидаги халқаро тинчликпарвар кучлар қўмондони, Британия генерал-лейтенанти Майк Жексон билан икки марта учрашди.

◆ Яқинда Япониянинг Нара шаҳрида қадимшунослик буюмлари бўйича халқаро кўргазма очилди.

◆ АҚШ Хитойга расмий делегация юборадиган бўлди. У НАТОнинг Югославияга қарши ҳарбий ҳаракатлари чоғида ХХРнинг Белграддаги элчихонасига ракета зарбаси урилгани бўйича изоҳ беради.

◆ Швейцарияда «XXI аср бўсағасида» деб номланган халқаро конференция ўз ишини давом эттирди.

◆ Магат шаҳри Ингушистоннинг янги пойтахти деб эълон қилинди.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан яқин вақт ичида Косово масалалари бўйича ўзининг махсус вакилини тайинлашини маълум қилди.

◆ Тбилисида Грузия билан АҚШ вакиллари ҳарбий мутахассислар тайёрлашга тааллуқли ҳужжатга имзо чекдилар.

◆ Халқаро тинчлик кучларининг Косоводаги операцияларида иштирок этадиган немис ҳарбийлари яқин кунлар ичида Македония ва Албания орқали ушбу ўлкага киритилади.

◆ МДҲ давлатларининг тўрттасида 1999 йил январь-апрель ойларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди, 7 тасида эса қисқарди. Россия Федерацияси давлат статистика комитети ва МДҲнинг давлатлараро статистика комитети тарқатган хабарда шундай дейилади.

◆ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Косово теварагидаги «қалтис вазият» сабабли Мексикага қиладиган сафарини қолдирди.

*Олий ўқув юртларида*

## «ХАДРА ШУНҚОРЛАРИ» МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

***Ёшлик — ростдан ҳам зангори фасл. У ўзининг фантастик хаёлоти, ширин ҳис-туйғулари, беғуборлиги ва поклиги, қувончларга тўлиқлиги билан ҳамиша парвози баланд.***

Ёшларнинг қалбида орзулари мўл, улар турли нарсаларга қизиқишади, парвоз қилсам, учсам, биринчи қалдирғоч бўлсам дейди...

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети жамоаси бу йил Аёллар йилини ўтказишда янги бир ташаббус, яъни университетда факультетлараро ҳар ойда бир марта «Санъат кунлари»ни ўтказиш билан чиқди.

Тадбирнинг илк дебочаси университет Маданият саройида тарих факультетининг «Хадра шунқорлари» бадиий ҳаваскорлик жамоаси байрам дастурини намойиш этиши билан бошланди.

Талабалар саҳнага чиқиб кулдиришди, қўшиқ айтишди, ҳинд кинофильмларига овоз бериб кўпчиликни лол қолдиришди. Ичакузди ҳаракатларини кўрсатишди.

«Хадра шунқорлари»нинг шиорлари «Бир ёқадан бош чиқариб» деб номланади. Санъат байрамида тарих факультетининг талабалари Барно Ўнгбоева, Абдулҳай Отахўжаев, Отабек Орифжонов, Аъзам Анваржонов, Шуҳрат Абдусаломов, Гули Қудратовалар бир ёқадан бош чиқариб ўз маҳоратларини кўрсатишганлиги кўпчилик олдида аён бўлди. Улар томошабинлар олқишларига сазовор бўлди.

— Бизга ҳар томондан ғамхўрлик кўрсатиб очилмаган қирраларимизни, талантларимизни намойиш этишга имкон яратиб берган устозларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, — дейишади «Хадра шунқорлари».

*Зарбуви АЛҚАРОВА.*

*Қурилиш*

## БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманида аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида кўплаб турар жой бинолари қад ростламоқда. Айниқса, туманнинг Мухбир кўчасида, «Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан 300 оилага мўлжалланган 27 та ғиштли уйлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб қурувчиларнинг самарали меҳнатлари туфайли 10 дан ортиқ уйлар битказилиб, эгаларига топширилди.

Ушбу уйларни тез ва соз қуришда «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «159-трест» ҳиссадорлик жамияти қурилиш бошқармаларининг бунёдкорлари фаоллик кўрсатишди. Замонавий оилалар учун барча қулайликлар эътиборга олиниб, бунёд этилаётган ушбу уйлар Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида яна кўплаб оилаларни ўз бағрига олади. Ушбу қурилиш майдонида гўзал бир мавзе бунёд этаётган қурувчилар айни дамларда бутун куч-ғайратини хонадон эгаларини хушнуд этишга сарфлашмоқда.

*Дилдора ҒУЛОМОВА.*



*Шаҳримиз тобора гўзаллашиб бормоқда. Пойтахтимизда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший мажмуалар қурилиб, дам олиш зоналари бунёд этилмоқда. Хусусан, Юнусобод туманида тезкорлик билан қурилаётган кўплаб турар жой бинолари фикримизнинг далилидир.*

*СУРАТДА: туман марказида қад кўтарган кўп қаватли бинолардан бири тасвирланган.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*1999 — Аёллар йили*

## «ОҚШОМ»НИНГ ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ХИЗМАТИНГИЗДА!

Азиз ва мунис онахонлар!
Қадрли опа-сингиллар!

Мана тўрт ойдирки, сиз азизларимизнинг қутлуғ айёмингиз давом этмоқда. Зеро, Республикамиз Президенти ташаббуслари билан эълон қилинган Аёллар йилининг ҳар бир куни Сизлар учун янги қувонч, тинчлик, осойишталик ва кўнгил тўқлик келтириши керак. Юздан ортиқ муҳим тадбирларни ўз ичига олган Аёллар йили бўйича давлат Дастури шуни тақозо этади.

Энг қувончлиси эса, шу тадбирларнинг бирин-кетин ва изчил амалга ошаётганидир. Шахсан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг алоҳида кўрсатаётган ғамхўрликлари пастдан юқоригача ҳокимият органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат жамоаларига ўрнак бўлмоқда. Ёдингизда бўлса — Аёллар йили учун белгиланган барча тадбирларни ўтказишга 85 миллиард сўмлик маблағ сафрланиши кўзда тутилган.

Шу йилнинг 17 мартида Президентимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги қарори чиқди. Мана шу муҳим ҳужжатларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — республикамиз парламенти «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Унга кўра, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати жорий этилди.

Шунингдек, ушбу Қонунга биноан камида 20 йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганларида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шуни таъкидлаш жоизки, умумий дастурда ва қонунда кўзда тутилган ҳар икки тадбир давлат бюджетидан анча катта маблағ сарфланишини талаб қилади. Чунончи, 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан йилига қарийб 77 минг аёл фойдаланиши мумкин ва бу мақсад учун Пенсия фондидан 3,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши керак. 3 ёшгача боласи бор аёлларнинг бир соат камайтирилган иш кунидан фойдаланишлари билан боғлиқ харажатлар қарийб 4 миллиард сўмга борар экан.

Шаҳримиздаги саноат корхоналарининг турли тармоқлари, қурилиш бўйича меҳнат жамоаларида ҳам ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда шу соҳаларда банд бўлган аёллар меҳнатини енгиллаштириш борасида кўплаб ташаббуслар вужудга келмоқда. Чунончи, ишловчи хотин-қизларни ишдан кейинги тадбирларга жалб қилмаслик, меҳнат таътилларига ҳақ тўланадиган қўшимча кунлар белгилаш, ҳомиладорлик бўйича таътилга ҳомиланинг 5—6 ойлигидан чиқариш, гўдакларга нафақани 2 ёшгача эмас, балки уч ёшгача тўлаб бориш ва бошқа кўплаб имтиёз ва енгилликлар белгиламоқда.

Аёлларга бўлган ғамхўрлик, уларга бўлган эҳтиромга қараб жамиятнинг инсонпарварлик даражасига баҳо берилади, дейишади. Шу маънода бизнинг республикамизда ҳуқуқий фуқаролик инсонпарвар жамият қурилиши йўлидан изчил бориляпти деб айта оламиз. Қувончлиси шундаки, аёлларга эътибор, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва мақомини ошира бориш шу йилнинг ўзи билан чекланмай, доимий давом этади.

Оммавий ахборот воситалари, журналистик жамоалар ҳам, табиийки, бу жараёндан четда қолмайдилар, балки унда фаол қатнашишни ўз бурчлари деб биладилар. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ижодкорлари ҳам мўътабар онахонларимиз, севимли опа-сингилларимиз, дилбар қизларимиз қадр-қимматини ошириш, уларга ҳамма жойда бирдек ҳурмат-эҳтиром, ғамхўрлик кўрсатилишига эришишни баҳоли-қудрат тарғиб этиб келяпти. Шуни айтиб қўйишимиз кераккки, бу йўлда қанча иш қилмайлик Сиз, азиз аёлларимиз олдида бурчли бўлиб қолаверамиз. Зеро, фарзанднинг она учун йиллаб чеккан машаққатлари онанинг бир кеча ширин уйқусидан воз кечиб жигарпораси бошида парвона бўлишига тенг бўлолмайди.

Азиз аёллар! Таҳририятимиз ижодкорлари шу фикр-мулоҳазалар асосида яна бир ташаббус билан чиқишга қарор қилдилар. Яъни, шу бугундан бошлаб таҳририятимизда Сизлар учун «Ишонч телефони» ишлай бошлайди. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни таҳририятнинг махсус телефони ёнида таҳририят ходимлари навбатчилик қиладилар ва Сизларнинг қўнғироқларингизни кутамиз.

Бундан кўзда тутилган мақсад шундан иборатки, ҳаёт ҳамиша серқирра ва мураккаб, ҳар биримизнинг бошимизда турли қувончу ташвишлар рўй бериши мумкин. Яна шундай пайтлар ҳам бўладики, кўнгил ишончли бир суҳбатдошни қўмсаб қолади. Баъзан эса ҳали ҳам ҳаётимизда учраб турадиган сансалорлик, расмиятчилик, лоқайдликка дуч келиб, ёрдам сўрагингиз келиши мумкин. Ўз ҳаёт тажрибалари, фикр-мулоҳазаларини кўпчилик билан баҳам кўриш эҳтиёжи туғилган пайтлар ҳам ҳаётда оз эмас.

Хуллас, Аёллар йили муносабати билан қилинаётган ишларимизга яна ҳам изчиллик, оммавийлик ва янги қирралар бағишлаш мақсадида юқорида айтганимиздек «Ишонч телефони»ни ташкил этдик.

Ўйлаймизки, таҳририятимизнинг бу ташаббуси Сизларнинг эътиборингиздан четда қолмайди. Сиз азиз онахонларимиз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг қўнғироқларингизни кутамиз. Сизлар мурожаат қилган муаммо, масалалар юзасидан юристлар, мутахассислар ва мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, оғирингизни енгил қилишга, кўнглингизга дармон бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Бизга 132-11-39 рақамли телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз: ҳафтанинг пайшанба кунлари, куннинг иккинчи ярмида Сиз, азизларнинг қўнғироқларингизга муштоқмиз.

*ТАҲРИРИЯТ.*

*Миллий дастур*

# ЕТУК ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ



***Мамлакатимизда таълим-тарбияга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки буюк давлатимизнинг келажаги, истиқлолимизнинг истиқболи етук таълим-тарбия олган, зеҳни юксак, онги баланд, билимли, зукко ва ақлли фарзандларимиз қўлидадир. Шу боис ҳам ёшларимизнинг соғлом ва баркамол, шу билан бирга малакали кадрлар бўлиб етишишлари жуда муҳим. Ана шундай малакали кадрлар тайёрлаш борасида Тошкент юридик коллежида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу билим даргоҳида Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосланган ҳолда иш юритилиб, ҳуқуқ-тартибот ва халқ хўжалиги учун кўплаб ўрта махсус маълумотга эга етук ҳуқуқшуносларни тайёрлаб бермоқда. Энг муҳими, бу ердаги таълим-тарбия жараёнининг замон талаби даражасида йўлга қўйилаётганидир. Коллеж директори, юридик фанлари номзоди, доцент Миршоҳид МИРҲАМИДОВ билан суҳбатимиз билим даргоҳида бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.***

**— Миршоҳид Мирҳамидович, сиз раҳбарлик қилаётган ушбу даргоҳ қарийб 20 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар бажарилмоқда?**

— Бизнинг билим даргоҳимиз Мустақил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдеворини яратишга, халқимиз ҳуқуқий билимлари ва маънавиятини юксалтиришга ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ва халқ хўжалиги тармоқларини ўрта махсус билимли юрист кадрлар билан таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни кунларда бу ерда 2000 нафардан ортиқ талаба кундузги ва сиртқи бўлимларда таҳсил олмоқда.

Албатта, моддий-техника базаси мустаҳкам бўлган жойда, ҳам назарий, ҳам амалий билим бериш кучли бўлади. Ана шу мақсадда жорий йилда ўқув даргоҳимизнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 300 ўринли замонавий ўқув корпуси, 250 ўринли шинам ошхона, тантаналар зали қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Шунингдек, спорт зали, очиқ стадион бунёд этилмоқда. Ҳудудимиз ён-атрофидаги бўш ётган ерлар эвазига кенгайтирилиб, ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, барча ўқув хоналари жаҳон андозалари даражасидаги жиҳозлар билан таъминланади. 16 та махсус хоналар ва умумтаълим фанлари бўйича алоҳида кабинетлар зарур талаблар даражасидаги ўқув анжомлари билан жиҳозланади. Малакали кадрлар тайёрлашда уларнинг барчасидан оқилона фойдаланилади. Насиб этса, янги ўқув йилидан бошлаб талабаларимиз янги ўқув хоналарида билим олиб ҳамда касб сирларини мукаммал эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

**— Ўқув жараёни хусусида ҳам тўхталсангиз...**

— Мустақил диёримизда демократик, ҳуқуқий адолатли давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш талабларидан келиб чиқиб, коллежда ўқув жараёни янги дастур ва ўқув режалари асосида ташкил этилмоқда. Бизда иккита мутахассислик бўйича ходимлар тайёрланади. Кейинги йилларда малакали педагогларимиз томонидан барча фанлар бўйича ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб, янгиланди. Ҳуқуқий фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш устида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, керакли маърузалар матнини ўзимизда ташкил этилиши кўзда тутилаётган кичик нашриётда чоп этмоқчимиз. Яқинда ишлаб чиқилган янги ўқув режамиз тасдиқланиш арафасида турибди.

Жамоамиз ходимлари таълим ва тарбия соҳасида АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Жанубий Корея каби қатор давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва энг кераклиларини ўқув ва амалиёт жараёнида тадбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

**— Президентимиз Ислом Каримов, ёшларга таълим берувчи устоз муаллимларни «миллатнинг юзи, Ватан истиқболининг асл бунёдкори» эканлигини алоҳида таъкидлаб, уларга юксак баҳо берганлар. Коллежда ана шундай етук мутахассислар кўпчиликни ташкил этадими?**

— Албатта, етук кадрлар тайёрлаш учун уларга билим берувчи муаллим ўта билимдон бўлмоғи зарур деб ўйлайман. Чунки ёшларимиз камоли уларнинг қўлида. Бу ҳақда Президентимиз ҳам шундай деганлар: «...Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ». Бу педагогларимиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Коллежимизда 70 нафардан ортиқ педагог меҳнат қилади. Улар орасида 14 нафар фан номзоди, доцентлар, 15 нафар олий тоифали муаллимларимиз бор. Ўқитувчилар малакасини оширишга, уларни бугун замон талаблари даражасида билим ва маҳоратга эга бўлишларини таъминлашга муҳим эътибор қаратганмиз. Кейинги йилларда уларнинг барчаси малака ошириш институтларида ўз билимларини мустаҳкамладилар, 35 нафар ўқитувчимиз Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида иқтисодий малакаларини оширдилар.

Малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда ўзларининг бор билим ва маҳоратларини ишга солаётган ўқитувчиларимиз жуда кўп. Айниқса, Гулбаҳор Мақсудова, Дилором Ражабова, Мукаррам Сатторова, Озода Акромова, Дурдона Назарова, Фаина Пак, Наталья Трусенкова сингари устозларнинг номларини айтиб ўтиш ўринлидир.

**— Маънавият, менимча қалб кўзгуси. Йигит-қизларнинг маънавиятини юксалтириш борасида коллежда қандай ишлар қилинмоқда?**

— Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, биринчи навбатда халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқлигини жуда яхши англамоғимиз лозим. Биз ҳам ёшларимизнинг маънавиятини бойитишга жуда муҳим вазифа деб қарамоқдамиз. Чунки маънавиятимиз миллатимиз кўрки, ҳаётимиз безаги.

Коллежимизда «Маънавият ва маърифат» маркази фаолият кўрсатиб, талабаларимиз онги ва ҳаётига миллий қадриятларимизни сингдириш, уларга она Ватанга садоқат, қадриятларимизга ифтихор, ғурур уйғотиш, буюк алломаларимиз меросига меҳр туйғуларини шакллантириш, урф-одатларимизга юксак ҳурмат ҳисси билан қарашни ўргатиш унинг асосий вазифалари қаторига киради. Ўқув маскани ҳамда ётоқхонада «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилган ва кераклии барча жиҳозлар, адабиётлар билан таъминланган. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг барча асарлари, янги қонунлар, кодекслар ушбу хоналардан жой олган бўлиб, талаба-ёшларга уларни ўрганиши учун барча шароитлар мавжуд. Коллежда ташкил этилган музейдан эса унинг босиб ўтган тарихи ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Айниқса талабаларнинг бўш вақтини ташкил этишга эътибор кучли, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси ёшларимизнинг маънавиятини юксалтиришга ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Бадиий ҳаваскорлик, спорт тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатаётгани, маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар талабаларимизга катта ёрдам бермоқда.

**— Ёшларга тилакларингиз...**

— Билим даргоҳимизни битириб кетган жуда кўплаб мутахассисларни бугун одамлар танийди ва ҳурмат қилади. Бу йил битираётган 300 нафарга яқин кадрларимизга оқ йўл тилаган ҳолда, ёшларимизга Президентимиз айтганларидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларини тилайман. Жамоамизда меҳнат қилаётган ҳар бир муаллим мамлакатимиз равнақига муносиб улуш қўшадиган мутахассислар тайёрлашни ўзларининг шарафли бурчи деб биладилар.

*Суҳбатдош*
*Шарифа ИЛЁСОВА.*





*СУРАТЛАРДА: коллеж директори Миршоҳид Мирҳамидов; компьютер хонасида; ўқитувчи Дурдона Назарова талабаларга амалий машғулот ўтмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



*Маиший хизмат*

## МАЛАКАЛИ УСТАНИНГ МИЖОЗИ КЎП

«Зангори экран» ҳиссадорлик жамиятининг Бектемир туман «Сувчи» даҳасидаги филиали иш бошлаганига беш йилдан ошди. Бу ерда турли русумдаги телевизорлар, радио ва магнитофонларни тузатиш ишлари юқори даражага етказилган. Маҳмуджон Именов 20 йилдан ортиқ меҳнат стажига эга бўлиб, ушбу тумандаги тармоқни бошқармоқда.

— Сир эмас, ҳозирги пайтда бизда иш ҳажми тобора ортиб бормоқда, — дейди у. — Жамоамизда юқори малакали усталар ишлашади. Булар Султон Исаев, радио ва магнитофонлар бўйича усталар Алишер Содиқов, Дилмурод Охунжонов, Тойир Турсунметовлардир. Улар ўз маҳоратларини тобора ошириб, аҳоли ҳурматини қозонишмоқда.

*Усмон УСМОНОВ*

*СУРАТДА: Маҳмуджон Именов ва Тойир Турсунметовлар иш устида.*

*Муаллиф олган сурат.*

*Ҳамшаҳарларимиз*

## ҚУВОНЧУ ТАШВИШИМ – МАҲАЛЛАМ

***Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Фурқат маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси Саида Нурмуҳамедованинг кундалик ишлари ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олган. Кимдир моддий ёрдамга муҳтож, кимгадир маълумотнома керак, кимнингдир оиласида паст-баланд гаплар ўтади. Саида опанинг қўл қовуштириб ўтирган пайти сира бўлмайди. «Менинг қувончим ҳам, ташвишим ҳам — маҳаллам», дейди у.***

Дарҳақиқат, маҳалла фаолияти кўп қирралидир. Буни 33 йилдан буён маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида ишлаб келаётган Саидахон опа яхши ҳис этади.

— Бизнинг Фурқат маҳалламиз Тошкент зилзиласидан сўнг ташкил топган бўлиб, унда 460 хонадон аҳил, иноқ яшайди, — дейди Саидахон Нурмуҳамедова. — 14 та кўчанинг ўз кенгашлари бор.

Жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш, улар ўртасида маданий-маърифий ва ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, оналик ва болаликни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида талайгина ишлар амалга ошириляпти.

«Мактаб — оила — маҳалла» ҳамкорлиги дастурини бажариш юзасидан олиб борган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Маҳаллада тўй ва маъракаларни ортиқча харажатларсиз ўтказиш, шунингдек, Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитасининг бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш тажрибасини кенг қўллаш туфайли қўйди-чиқдилар камайиб ёш оилалар мустаҳкамланмоқда.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти турмушимизга ўз талабларини қўймоқда. Шу боисдан маҳаллада аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Ишсиз юрган ёшларга тикиш-бичиш ишларини ва бошқа касб-ҳунарларни ўргатиб, уларни иш билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва таълим-тарбия ишларини намунали олиб бориш билан ёшларнинг турли диний қарашдаги таъсирларга берилмасликлари, фойдали иш билан шуғулланишларига алоҳида аҳамият беріляпти.

Кўплаб комил фарзандларни тарбиялаб вояга етказган маҳалла оқсоқоли Турсунхожи Тўхтаев, маҳалланинг «Энг яхши келин» номини олган «Зебуннисо» мактаби ўқитувчиси Моҳира Азаматова ва унинг қайнонаси оқила аёл Зумрадхон Баҳромоваларни маҳалла ёшу-қариси катта ҳурмат билан тилга олади.

Маҳалланинг кайвониси бўлиб, элда эъзоз қозонган, бутун умрини маҳалла ишига бахшида этган Саида Нурмуҳамедова қутлуғ 63 ёшни қаршиласада ҳамон серғайрат, ҳаракатда.

*Замира ТЎЛАГАНОВА.*

*Таълим*

## БУГУНГИ ДАВР АЁЛИ

***Эзгу ниятли кишиларнинг орзулари ҳамиша амалга ошади. Ҳеч эътибор берганмисиз, нега шундай? Сабаби булар кўзлаган мақсадлари учун изланиб, интилиб, энг асосийси, ҳалол меҳнат қилиб яшайдилар. Жамоа орасида бундай кишиларнинг ўз ўрни бор. Сирғали туманидаги 300-лицей-мактаб директори Дилшода Абдуназарова ҳам шу қадар ҳурматга эга бўлган зиёлилардан.***

Республикамиз миқёсида иқтидорли болаларни саралаб ўқитиш имкониятлари берилди. Жумладан, 300-лицей-мактаби ҳам мустақиллик шарофати билан 1991 йил 2 сентябрда ташкил топди. Бу жамоа олдига катта масъулиятлар қўйилган эди. «Мана саккиз йилдирки, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиб келяпмиз. Ҳозирги кунда 5-, 7-, 10-синфлардаги иқтидорли ўқувчилар тажриба алмашиш учун кўпгина хорижий давлатларнинг қатор оилаларида бўлиб, миллий қадриятларимиз, файласуфлар, шоир ва адибларимиз ҳақида ҳам фикр алмашиб қайтишмоқда», — дейди Дилшода опа.

Дарҳақиқат, айни дамларда даргоҳда ўқув жараёни қизғин давом этмоқда. Физика, биология, кимё хоналари бугунги кун талаблари асосида таъмирланган. Шу билан бирга шинам, озода хоналар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган бўлиб, унда ўқувчилар касб маҳоратларини ошириб келмоқда. Мазкур лицейда спорт ишлари ҳам жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, турли спорт тўгараклари мунтазам фаолият юритиб келмоқда. Бу эса ўқувчиларга бўш вақтларини мароқли ўтишида, жисмонан соғлом ўсишида яна бир имконият яратади. Зотан, фарзандларимизнинг бахтли камоли ҳаммамизни ҳам бефарқ қолдирмаслиги керак. Энг асосийси эса бу ерда билимга чанқоқ болалар керакли таълим-тарбия оладилар. Мана икки йилдирки, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси танловида ўқувчилардан Фарҳод Йўлдошев, Анвар Муҳаммадхўжаев, Музаффар Содиқовлар Техасда, Ойбек Ҳакимов эса Японияда бўлиб қайтишди. Демак, бу билан ўқувчиларимиз хориждаги талабалар билан бемалол баҳслаша олар ва керак бўлса улардан ҳам устунлик томонлари борлигини кўрсатди.

Албатта, фарзандларимизнинг бундай муваффақиятларга эришишида мактаб жамоасининг алоҳида ўрни бор. Мен Дилшода опадай бугунги давр аёлининг қатъиятли, интизомли ва меҳр-мурувватли ўз касбини севувчи инсонни кўриб, қалбимда эртанги кунга ишонч ортди. Дилдан эса мустақиллик тенгдоши бўлган 300-лицей-мактаби жамоасига оппоқ орзулари сари оқ йўл тилаб, келажаги порлоқ юртнинг фидойилари омон бўлишини сўрадим.

*Ғофур ЭШМОНОВ.*

*Анжуманлар*

## ҚАДРИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ХОТИРА

***Тошкент Молия институтида «Қадрият ва ижтимоий хотира» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

Институт ректори, академик М. Шарифхўжаев анжуманни кириш сўзи билан очар экан, ижтимоий-тарихий хотираларнинг эркин фикрловчи шахсни шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида гапириб ўтди.

Анжуманда бир қатор олима аёллар иштирок этиб, улар ўз маърузаларида аёлларсиз жамиятни, қолаверса, бутун дунёни тасаввур қилиб бўлмаслиги, республикамизнинг ҳар бир соҳасида аёлларимизнинг тинимсиз меҳнатлари ва изланишлари бугунги ютуқларимизда салмоқли ўрин тутаётганлигини таъкидладилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи М. Холматова «Ижтимоий тараққиёт ва аёл қадри», «Ўзбекистон тарихи лавҳаларида аёл буюклигининг хотирланиши», А. Ҳамдамова «Экологик сиёсат ва аёллар саломатлиги муаммоси», Республика Оила илмий-амалий марказининг Оила психологияси бўлими катта илмий ходими Н. Исломова «Ўзбек хотин-қизларининг этнопсихологик хусусиятлари эволюцияси» мавзуларида маърузалар қилдилар. Бу маърузаларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оила, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш тўғрисидаги давлат ғамхўрлиги, республикамизнинг меҳнат қонунлари кодекси, никоҳ ва оила кодекси, фуқаролик ва жиноят кодексларида соғлиқни сақлаш, пенсия таъминоти ва бошқа қонунларида ўз ифодасини топган хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуманда 1999 — Аёллар йилида хотин-қизларимиз меҳнати ва намунали турмушини ташкил қилишга кўпроқ эътибор беришимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди.

*Мавжуда ЗИЯМУҲАМЕДОВА,*
*Фарҳод ОДИЛОВ.*

*Тадбиркорлик*

## МАХСАР — КОНИ ФОЙДА ЎСИМЛИК

***Кундалик турмушимизда озиқ-овқат ёғининг ўрни беқиёсдир. Биз шу пайтгача асосан пахта ёғини истеъмол қилишга ўрганиб қолганмиз. Лекин жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида пахта ёғини истеъмол қиладиганлар бошқа турдаги ўсимлик ёғини афзал кўрадиганлардан жуда озчиликни ташкил қилади.***

Мамлакатимизда фақат сўнгги йиллардагина кунжут, зиғир данак, шунингдек махсар ўсимлигидан ёғ олишга астойдил эътибор қаратила бошланди. Аслида эса бу тажриба халқимизда азал-азалдан мавжуд бўлиб келган. Масалан, махсар ўсимлигининг шифобахшлиги буюк табибимиз Абу Али ибн Сино асарларида жуда ўрнига қўйиб таърифланган. Махсар кўп асрлар мобайнида Ўрта Осиёда маълум бўлиб келган. Махсар ёғи жуда фойдали ва унинг таркибида организмга керакли бўлган кўпгина моддалар мавжуд. Афсуски, сўнгги йилларда Ўзбекистонда махсар ёғини ишлаб чиқариш билан деярли ҳеч ким шуғулланмаган. Бироқ тадбиркор аёлларимиздан бири «Истиқлол технологияси» кичик корхонаси раҳбари Зебо Қодирова ана шу камчиликни бартараф этди.

Зебохон мутахассислиги бўйича кимёгар-технолог. Турли хил мойларни олиш учун унинг томонидан ишлаб чиқилган технологиялар бир нечта муаллифлик гувоҳномаларини олган. У айнан шу йўналиш бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. Бугунги кунда «Истиқбол технологияси» кичик корхонаси Жиззах вилоятининг Ровот посёлкасида, шунингдек, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида махсарни қайта ишлаш бўйича кичик цехларни ишга туширган. Бевосита шу ҳудудларда махсар ўсимлигини етиштирадиган майдонлар ҳам мавжуд.

Технология ишлаб чиқаришнинг тугалланган циклини — махсар уруғини етказиб беришдан то ускунани ўрнатгунча олинган ёғнинг сертификациясигача бўлган даврни ўз ичига олади. Кичик корхона ўзининг хом ашёсига эга бўлишни истайдиган хўжаликларга ерга ишлов берувчи агротехникани етказиб беради. Сўнгги вақтларда махсарнинг даромадли экин эканлигини тушуниб етган қатор хўжаликлар махсар етиштиришга астойдил киришиб кетдилар. Навоий вилоятида махсарнинг саноат плантациялари ташкил этилган. Тошкент вилоятининг шу вақтгача фойдаланилмаётган ерларидан ҳам махсар экиш учун майдонлар ажратилган. Ҳақиқатдан ҳам махсар ёғини ишлаб чиқариш жуда фойдали бизнес эканлигини ҳаёт кўрсатди. Уни ишлаб чиқариш харажатлари бир йилда ўзини қоплайди. Бир тонна махсар донидан 200 килограмм ёғ олиш мумкин. Чиқиндилар эса чорвачилик фермалари учун бебаҳо озуқадир.

«Истиқбол технологияси» раҳбари Зебо Қодирова учун интилишлар бежиз кетмади. Айниқса, турли танлов ва кўргазмаларда иштирок этиш натижасида Ҳамза тумани бўйича «Энг яхши тадбиркор» деб тан олиниши унга янада кучқанот бўлди. Кичик корхонанинг ишлари тобора авж ола бошлади. Корхона нафақат махсар ёғини, балки турли кўринишдаги писта, кунжут, гуруч ва бошқа ёғларни олиш учун технологиялар ишлаб чиқармоқда. Хусусан, кичик корхона Тошкент вилоятидаги «Умид» хўжалигига махсарни қайта ишлаш бўйича линияни ўтказиб берди. Айни чоғда кичик корхона махсар етиштириш учун ер майдонларини сотиб олиш хусусида самарали музокаралар олиб бормоқда. Қолаверса, 1998 йилда «Истиқбол технологияси» кичик корхонаси махсар ёғини ишлаб чиқариш бўйича сифат сертификатини олишга эришди.

Корхона раҳбари ва мутахассислари тинмай изланмоқдалар. Зебо Қодированинг ўзи Грецияда ўтказилган экспорт маркетинги бўйича семинарда Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси номидан маъруза қилди. «Истиқбол технологияси» кичик корхонаси маҳсулотлари аввалида ички бозорга мўлжалланган эди. Лекин хориж бозорида ҳам унинг маҳсулотларига харидор кўпайиб бормоқда. Махсар ёғи Германиянинг СКЕТ фирмасида қизиқиш уйғотди. Бу фирма турли ускуналарни жумладан ёғ-мой саноатининг ишлаб чиқарувчиси ҳамда таъминотчиси ҳисобланади. Улар кичик корхона маҳсулотининг намунасини Германияга олиб кетиб экспорт ҳақида таклиф билан мурожаат қилдилар. Айни чоғда бу борада қизғин музокаралар олиб борилмоқда. Бу борада «Истиқбол технологияси» раҳбарларида яна бир ғоя пайдо бўлди. Греция — алиф мойи ватани. Шу боис Греция фирмаларидан бири тажриба учун махсар плантацияларини беришга тайёрлигини маълум қилди. Бу ҳам «Истиқбол технологияси» кичик корхонасининг фаолияти хорижда ўзига хос қизиқиш уйғотаётганининг бир далилидир.

Бир сўз билан айтганда, замонавий ўзбек тадбиркор аёли раҳбарлик қилаётган бу кичик корхона нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўзига муносиб ҳамкорлар топмоқда. Бу унинг ҳақиқий истиқболидан дарак беради.

*Ҳусан ЮНУСОВ,*
*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*



1999 — Аёллар йили

# «ЭЪЗОЗ»ЛИ КУН

***Халқимизда «эъзоз» деган сўз борки, уни эшитганда ҳар қандай қалб бир энтикиб қўяди. Яқинда Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида Аёллар йили муносабати билан «Эъзоз» номли тадбир бўлиб ўтди. Унга уруш ва меҳнат фахрийлари, адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган аёллар таклиф этилди.***

Қатнашчилар дастлаб Хотира майдонида бўлиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонликларни ёдга олишди. Мотамсаро она ёдгорлиги остига гуллар қўйишди.

— Бизнинг тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун ўз жонини фидо қилган оталаримиз ва оналаримизни чуқур ҳурмат билан ёдга олиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим, — деди тадбирни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова. — Уларни бир йилда бир марта эмас, балки ҳар куни, ҳар дақиқада эсламоқ ҳаётимиз мазмунига айланиши зарур. Буни тушунмоқ учун сўз билан мурожаат этиш шарт эмас, балки ўзимиз намуна кўрсатиб, фарзандларимиз қалбига яна бурч ниҳолини экмоғимиз даркор. Ўйлайманки, «Эъзоз» бунга қодир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган бу тадбирга таклиф этилганларнинг ўзлари томошабин, ўзлари ижрочи бўлишди. Таниқли шоира Ойдин Ҳожиева ва Зулфия Мўминоваларнинг қалбни туғёнга солувчи шеърлари, қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ичакузди ҳангомалари, Ўзтелерадио компанияси қошидаги дуторчилар ансамбли, халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ижросидаги дилрабо қўшиқлар кечага файз бағишлади.

— Қирқ йилдан кўпроқ умримни театрга бағишладим, — деди Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева. — Саҳнасиз ҳаётни тасаввур эта олмайман, ҳатто уйда оила даврасида ҳам ўйнайдиган ролларим хаёлимда бўлади. Санъаткорлик касби шундай экан. Ушбу кеча ман ва менинг ҳамкасбларим учун ўта қимматли. Биз қарсакларни асосан саҳнада туриб эшитардик, бугун эса биз томошабинмиз. Бу ерда ижро этилаётган қўшиқлар, рақслар, шеърлар, миннатдорчилик сўзлари азиз инсон бўлмиш аёл учундир. Бугунги кечада биз ўз устозларимиз, ўзбек киноси ва театрининг дарғалари бўлмиш Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаевларни эҳтиром билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова турли соҳаларда ўтган йили бўлиб ўтган



турли кўрик-танловларнинг ғолибларига, хусусан «Фармед» хусусий фирмасининг раҳбари Дилором Тошмуҳамедова, шоира Зулфия Мўминова, Ўзбекистон телевидениеси журналисти Муаттар Асқаровага мукофотлар тақдим этди. Меҳмонларга, шунингдек «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар берилди.

Театрлаштирилган кечада халқ амалий санъати кўргазмаси ташкил этилди. Унга Республика болалар ижодиёти маркази тарбияланувчилари томонидан тайёрланган сопол, ганж, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик буюмлари қўйилди.

*Мурод РАҲИМОВ.*

*СУРАТЛАРДА: «Эъзоз» кечасидан лавҳалар. Рашид Галиев олган суратлар.*



Фанимиз фидойилари

# ТАДҚИҚОТЧИ ОЛИМ

***Олимларимиз орасида шундайлари борки, уларни бутун бир хазина дейиш мумкин. Шундайлардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоевдир.***

У 1953 йили институтда ишни Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши воқеаларининг маҳаллий тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа қаламига мансуб «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини ўрганишдан бошлаган эди. Аммо шўролар давридаги сиёсий вазият ана шу қимматли манбада қайд этилган ҳаққоний тарихни ёритишга тўсқинлик қилди. Ўша йилларда А. Ўринбоев институт зиммасига юкланган катта муҳим иш — буюк олим Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлашда фаол иштирок этди. Бу ишнинг қанчалик муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини китобнинг қайта нашр қилинганидан ҳам билса бўлади. Мазкур жиддий илмий нашрда қатнашиш олимнинг кейинги илмий фаолияти учун катта йўл очиб берди ва у мустақил равишда манбаларни ўрганишга киришди.

Шундан сўнг у тарихимизнинг яна кам ўрганилган саҳифасини очишга ният қилди ва темурийлар даври тарихига кўчди. Дастлабки тадқиқотни машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши») асарини форс тилидан ўзбек тилига илмий асосда таржима қилишга киришди. Бу соҳадаги биринчи монография Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» (1442-1444) номи билан 1960 йили нашр қилиниб китобхонларга тақдим этилди. Натижада ўзбек китобхонлари темурийлар даврида Мирзо Шоҳруҳ салтанатида Ҳиндистонга, аниқроғи, жанубий Ҳиндистондаги Вижаянагар давлатига Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида элчилар юборилганлиги, уларнинг сафар йўли Эрон, Форс қўлтиғи у ердан кемаларда Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга ўтганлиги, ана шундай узоқ йўлга Мирзо Шоҳруҳ мактуб йўллаб давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни ривожлантиришни таъкидлаб ўтгани, элчиларнинг сафар хотиротлари, кўрган-кечирганлари, Ҳиндистон ажойиб ва ғаройиботлари ҳақида хабардор бўлдилар. Бу тафсилотларнинг барчаси Абдураззоқ Самарқандийнинг сафар кундалигидан ўрин олган эди.

«Матлаи саъдайн»нинг илмий аҳамияти шундаки, унинг дастлабки қисмлари илгариги тарихий асарлардан олинган бўлса, XV аср кечинмалари айниқса, унинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда кечган воқеалар қамраб олинган. Ана шу кейинги тарих ўша даврда ёзилган бошқа асарларда қайд этилмаган «Матлаи саъдайн»нинг биринчи қисми, яъни то 1430 йилгача бўлган воқеалар ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, 1969 йили чоп этилди. Бу асарнинг иккинчи жилдидан биринчи қисми эди холос. Унинг қолган қисмлари ҳам А. Ўринбоев томонидан таржима қилинган ва чоп қилиш масаласида ўз ҳомийсини кутиб турибди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан сўнг А. Ўринбоев учун янги илмий имкониятлар очилди. Бу ҳам бўлса биринчи навбатда Амир Темур тарихи билан боғлиқ манбаларни нашр этиш эди. Соҳибқирон юришлари тарихига бағишланган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарининг чала таржимаси Ҳакимжонов томонидан бажарилганича қолиб кетган эди. Устоз ана шу муҳим манбанинг ҳар бир сўзини матн билан қайтадан солиштириб, зарур тузатишлар киритиб, тўлдириб, 1996 йили соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига чоп этишга муваффақ бўлди. Мустақиллик йилларида А. Ўринбоевнинг илмий фаолияти жаҳон мамлакатларига кенг қулоч ёзди. Устоз ҳозирги вақтда дунёнинг бир қанча илмий марказлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Жумладан, Ҳожи Аҳрор Валийнинг дастхатлари Америка Қўшма Штатларида, Хива архив ҳужжатлари Японияда, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари Қозоғистонда, Шарқшунослик институти хазинасидаги форсий қўлёзмалар каталоги Эронда чоп этилиши бўйича илмий ҳамкорлик қилинмоқда. Табиийки, бу ишлар фақатгина битта олимнинг дунёнинг у ёки бу давлатида китоб чоп этиши билан кифояланмай, айни пайтда, Ўзбекистон фанининг жаҳон миқёсида қулоч ёзганининг, давлатлараро илмий ва маданий ҳамкорликнинг намунаси ҳамдир.

*Омонулла БЎРИЕВ,*
*Шарқшунослик институти манбашунослик бўлими мудири.*

Дил изҳори

# ҚАЛБИМДАСИЗ, ЖИГАРИМ

***Инсоннинг суянчи, ишонган ва тушунадиган жигарлари бўлгани қандай бахт эканлигини мен жуда яхши биламан. Ёшим 71 да. Ёлғизлик, ғариблик, ногиронлик қанчалик оғирлигини тушунтириб беролмайман. Буни фақат бошидан ўтганларгина билади, холос...***

1943 йилнинг 10 февраль куни илмли ва меҳнаткаш акажонимни Армия сафига жўнатиб, ота-онам билан ёлғиз қолдим. Олти ойгача акамдан хат олиб турдик, аммо ўша йилнинг июнь ойи ўрталарида келган қора хат бизни қаттиқ қайғуга солди.

Ўшанда мен 15 ёшда эдим. Шу-шу ота-онам акамнинг ғамида куйиб, анча саломатликларини йўқотишди. Аммо барибир кўзимиз акамнинг йўлларида нигорон эди — ҳамиша унинг тирик қайтишини кўтардик. Бу орада ўнинчи синфни битириб, педагогика институтига ўқишга кирдим ва уни битириб ўқитувчи бўлиб ишлай бошладим. 1968 йилда отам, 1970 йилда эса онам вафот этишди. Энди бутунлай ёлғиз қолдим. Ёшим ўтиб турмушга чиқдим, аммо бахтимни топа олмадим. Энди бутунлай ёлғиз эдим...

Бутун меҳримни болаларга бердим — 45 йил муаллималик қилдим. Мен ўқитган йигит-қизлар ҳозирда турли жойларда меҳнат қилишмоқда. 1983 йилда нафақага чиқдим. Лекин жуда кўп сиқилганим боисми, соғлиғимни йўқотдим. Дунёда ўз жигарларинг, жонкуярларинг бўлсин экан. Шундай пайтда акам ёдимга тушади. Ҳа, тирик бўлганларида, албатта менинг суянч тоғим бўлардилар. Ёлғизлик қурсин. Баъзан байрамларда, яхши кунларда кимдир эшикдан кириб келармикан, мени ҳам йўқловчилар бормикан, деб кўзларим эшикка термулади. Ахир мен ҳам 45 йил бутун билимимни, куч-ғайрат ва маҳоратимни ёш авлод тарбиясига бағишлаган эдим-ку. Вақти келганда бир илиқ сўзга зорман...

Аммо шу сўзларни ёзар эканман, Президентимизнинг 9 майни «Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилганларидан беҳад қувониб кетдим. Менинг қалбимда ҳамиша тирик бўлган акажоним Сунатилла Тўлагановнинг номи ҳам пойтахтимизда бунёд этилган Хотира майдонидаги китобга муҳрланди. Қалбим бир олам қувонч ва фахрга тўлди. Мана энди унинг номи унутилмайди, ҳамма ўқийди, пок руҳларига тиловат қилишади. Бундан бошим кўкка етди. Аммо ҳали ҳам орамиздаги биз каби меҳрга ташна кексалар борлигини атрофдагилар унутишмаса жуда яхши бўларди.

*Собир Раҳимов тумани, М-17/18; 32-уй, 124-хонадонда яшовчи Муҳтарам ТЎЛАГАНОВА.*

Турфа олам

# ОСМОНЎПАР БИНО

Японияда фаолият кўрсатаётган «Кадзима» қурилиш бирлашмаси 200 қаватли осмонўпар бино қуриш тўғрисидаги режасини ишлаб чиқиб, эълон қилди. Режага асосан ушбу бинода меҳмонхона, компания идоралари, уй-жой комплекслари жойлашади. Бинонинг етти қавати ер остига жойлашган бўлиб, у ерда автомобиллар ва бошқа керакли жиҳозлар сақланади.

Бирлашма мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра бино қурилиши учун 1 триллион иен сарфланади. Лойиҳачиларнинг фикрича, бинонинг баландлиги 800 метр бўлиб, уни тиклаш учун 7 йил керак бўлар экан.

*Дилноза ҒИЁС қизи тайёрлади.*



Диллашув

# ТОМОШАБИННИ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАБ

***Аброр Ҳидоятов номли театр актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азиза Бегматова билан ҳар гал суҳбатлашганимда унинг янги-янги қирраларини кашф этдим. «Чеча» спектаклини кўра туриб агар у қўшиқчи санъаткор бўлишини истаганида бу ишда эл дилига манзур қўшиқлар яратишига амин бўлдим. Унинг ширали овози янграганида залда ўтирган томошабинлар ҳам беихтиёр қўшилишиб қарсак чалиб юборишди. Биз спектаклдан сўнг улар билан учрашиб суҳбатга чорладик.***

**— Азиза опа, ҳаммага аёнки, саҳна санъати инсонлар маънавиятига таъсир қилишда қудратли қурол. Шунинг учун жамиятимиз олдида турган муаммоларни ҳал этишда унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланмоқ зарур, деб ҳисоблайман. Лекин шу билан бирга саҳна артистдан фидойиликни талаб этади.**

— Ҳа, ҳақиқатдан шундай. 1966 йилдан буён саҳнадаман. Иш тажрибамдан шундай хулосага келдим: санъаткор ўз ижроси билан томошабинни ўйга толдириши, виждонини туғёнга келтириши керак; саҳнадаги воқеалар — инсон тақдири, одамлар муносабати залдагиларни у ёки бу хулосага олиб келишга мажбур қилиши зарур. Қисқаси, яратилган образ томошабин онгида изсиз қолмаслиги, унинг зеҳнини қайраши, ақлига ақл, идрокига идрок қўшиши керак. Биз актёрлар эса ҳар бир образга ижодкорона ёндашишимиз, унинг ички қиёфасини ҳар томонлама очиб беришга интилишимиз зарур. Маълумки, драматургия асарлари ҳар хил бўлганидан образлар ҳам турли-тумандир. Масалан, ўзим бир куни саҳнада томошабинни кетидан эргаштирадиган, эзгуликка етаклайдиган энг олижаноб аёл — чечани ўйнасам, иккинчи куни залдагиларни ижирғантирадиган пасткаш, разил аёл — Гулжамолнинг қиёфасини очиб беришга ҳаракат қиламан.

**— Азиза опа, Оллоҳ таоло бандаларини ҳар хил яратар экан: биров ҳамма нарсага қизиқувчан, қўйди-пишди, яна биров эса жуда яхши яшаса-да, ҳаётдаги ғам-ташвишлардан нолийверади. Сиз бир аёл сифатида одамларга қандай баҳо берасиз?**

— Биласизми, «Худога шукур» деган сўзда чуқур маъно бор. Биз уруш йиллари гўдак эдик. Ундан кейинги оғир тикланиш йилларини эсласам ўз-ўзидан кўзимдан ёш қўйилиб келаверади. Мана шу уруш сабаб бўлиб мен онамдан, оиламдан айрилиб интернатда ўсганман.

**— Ие, ҳозир сўраганимда «Онам Қурбоной момо ҳаётлар, 97 ёшга чиққанлар. Сурхондарёнинг Каккайди қишлоғида яшайдилар» девдингиз-ку!**

— Оҳ, сингилжоним, бунинг тарихи узоқ. Онажоним мени 40 йил деганда топганлар. Отам вафот этганларидан сўнг онам бизлар билан қийналиб қолганлар, кейин бир бурда нон деб бизларни интернатга топшириб ўзлари канал қазишга кетганлар. Улар интернатда бизнинг қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлишини ўйлаганлар, албатта. Дастлаб 20-болалар уйида, сўнг кейин нимагадир Деновдаги 18-болалар уйига жўнатишган. Ҳозир айтсам, ишонмаслигингиз мумкин. Менинг асл исмим Орзихол. Интернатда аллакимнинг айби билан отим нотўғри ёзилиб қолган.

1985 йилнинг 8 ноябрида онам билан топишганман. Ўша кунги дил қувончларимни ҳозир тавсифлаб беролмайман. Ахир мен ўзимни ҳеч кими йўқ етимчага чиқариб қўйгандим-да! Узоқ Каккайдидаги опаларим Зулфиной, Рўзихол, тоғам Ҳайитбой, бошқа кўпгина қариндош-уруғларимни кўрганимдаги қувончларим... эҳ-ҳе, улар бир жаҳон улар ҳақида бир китоб ёзса арзийди...

**— Сиз дублёрларингизга ижодий ёрдам берасизми?**

— Ҳар бир актёр албатта дублёрига ёрдам бериши керак. Дублёр ўйнаётганда мен ўзимни худди ойнадагидек кўриб тураман. У йўл қўйган камчиликларни худди ўзим ижро этгандек қабул қиламан. Дублёр менга шу йўл орқали ёрдам беради.

**— Муваффақиятсизлик ҳақида. Сизда шундай ҳол бўлганми?**

— Муваффақиятсизлик, менимча ҳаммада учраб туради. Лекин мен бундай дамларни эслашни истамайман.

**— Оила деганда кўз олдингизга нима келади?**

— Оила, менимча энг муқаддас нарса, энг муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳга қадам қўйдингми, бас, ундан чиқиб кетишни ўйлама. Уни Ватан каби азизу мукаррам билиб, унга сиғиниш керак. Фарзандлар тарбиясига келсак, бунда отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни бор. Баъзан шундай дақиқалар бўладики, она қилган ишни ота бажаролмайди, баъзан эса отанинг ўрнини она босолмайди. Ўзимнинг оиламни оладиган бўлсам, турмуш ўртоғим Тўлқинжон Содиқов ҳар қадамда қўллаб-қувватлаганлиги туфайли шу даражага етдим. Биласиз, артистнинг ҳаёти ниҳоятда машаққатли. Вақти келганда бир ойлаб гастроль сафарларида бўламиз. Шундай кезларда фарзандларингни ишониб топшириб кетадиган бир суянчиғинг бўлмаса қийин.

**— Республикамизда фаолият кўрсатаётган театрлар репертуарларига назар ташлар эканмиз, назаримда драматургия оқсаётгандай, тарихий асарларни саҳналаштириш бироз кўпайгандай туюлди. Сизнинг фикрингиз қандай?**

— Ҳозир республикамиздаги барча театрлар жиддий изланмоқда. Лекин, ҳақиқатан ҳам драматургия давр талабларидан ортда қолаяпти. Маиший муҳитни тасвирлаш кучайди. Тарихий асарларни саҳнага олиб чиқишда тарихийлик мезонлари бузилиб, даврнинг ҳақиқий манзараси шошма-шошарлик билан бир ёқлама кўрсатилаётир.

**— Кейинги пайтда театр саҳнасида яратилган спектаклларда Сиз ҳам сезиларли тарзда салмоқли роллар ижро этдингиз. Ҳатто «Тоға-жиянлар» спектаклида бирданига иккита ролни ижро этиш қийинчилик туғдирмадими?**

— Истеъдодли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг энг катта ютуқларидан бири спектаклда актёрлар ансамблини ниҳоятда моҳирлик билан яратишидадир. У ҳар бир актёрнинг нимага қодирлигини жуда яхши билади. У «Азиза опа, «Тоға-жиянлр»да Ойша хола ва ҳисобчи ролларини ўйнай олишингизга ишонаман» деди. Унинг сўзлари менга ижод этишдек қудратли қанот берди, илҳом берди. Энг муҳими, томошабинлар яхши кутиб олишди.

*Маълура НАБИЕВА суҳбатлашди.*

*СУРАТДА: актриса Азиза Бегматова «Паранжи сирлари» спектаклида Гулжон ролида.*

Мулоҳаза

# АНДИША ЎЗ ЙЎЛИГА

## қонунга ҳам назар ташлайлик

***Қайта қурилиш бўлиб, кимлардир ўша ернинг ўзида янги қурилган кўп қаватли уйларда қолишди, кимдир Тақачи даҳасидан берилган ер участкаларида иморат қилишиб, Сарҳумдон маҳалла аҳли тарқади.***

Қайнотам Тақачидан жой олди. Қай бир сабаб билан оилавий меҳмондорчиликда бўлдик. Суҳбат мағзи-мазмунини инсон шахсининг улуғлиги, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, меҳр-оқибат ва айниқса маърифату ҳалоллик ташкил қилгани ҳолда ҳазил-мутойибалар янграб турарди.

Даврада қанча киши ўтирган бўлсак, бирорта одам бирор иш билан ўрнидан туриб ташқари чиқмади, кимгадир бир нималар демади. Қандай иш бўлмасин зарурат бўлиб қолса, қайнотам қўлига қаламтарошини олиб ёнгинасидан ўтган иситиш қувурини икки маротаба уриб қўйса бас, бир зумда невaралардан бири меҳмонхонага кириб келиб: «хуш кўрдик» дейди-да, «хизмат», дегандек дадасига нигоҳ ташлайди.

Навбат бизга ҳам келиб, кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидан уч хонали уй насиб қилди. Кўчни машинадан туширяпмизу бир қўшни аёл бизни сўроққа тутди:

— Неча кишисизлар, ёш болалар борми, қари-қартанглар-чи?

Очиғини айтганда бундай сўроқлар билан бизга ҳалал бераётган эди бу аёл. Шу пайт қирқларга борган бир аёл қизчаси билан шундоққина ёнимиздан ўтаётиб бизлар билан саломлашиб юқорига чиқиб кетди. Бояги қўшни «Учинчи қаватда туришади» дея яна бир сўз деди. Биласизми, аслида мана шу бир калима сўздан иборат ахбороти учун бу аёл қора курсида суд олдида жавоб берса бўларди.

**— Сизлар қайси қаватда турасизлар,** — дедим.

— Иккинчи, сизнинг тепангизда турамиз, — деди аёл. Эсиз, халқимизда «ҳовли олма, қўшни ол», дея айтилган ибора бор, охири бахайр бўлсин-да, деган фикр яшин тезлигида миямдан ўтди. Кейинчалик маълум бўлдики, бу қўшнимизга ҳеч ким тенг келолмас экан. Биз пастки қаватда бўлишимизга қарамай невaрамизнинг уйда дўпиллатиб чопишидан шикоятланишади, телевизорнинг овози сал баландроқ эшитилса полни тепишади.

Хуллас, ўзларининг ўн тўрт-ўн беш ёшли невaралари кўнглига маъқул ишни қилади. Гоҳо шундай дўпиллашлар бўладики, биз кураш тушаяптими, деб қоламиз, шикоят қилолмаймиз, сўзимиз ўтмайди.

Бир куни қувур бирдан шундай тақилладики, ҳаммамиз чўчиб тушдик. Кейин билсак, бу учинчи қаватдаги қўшнига қилинган эътироз экан. Эртаси куни йўлакда шанғиллаган овоз эшитилиб қолди. Тепамиздаги қўшни аёл кечаги труба тақиллатишлари етмаган бўлса керак, учинчи қаватдаги қўшни аёлни ҳақоратлаётган экан. Қарғишларининг охирида «Э, асрандинг билан қўшмозор бўл», деганини эшитиб қолдим.

Бу қарғишлардан кўнглим ранжиди, қалбимга наштар санчилгандай бўлди гўё. Орадан икки соатлар вақт ўтиб учинчи қаватдаги аёлга «Тез ёрдам» келди. У бечора не ҳолга тушганини тасаввур қила оламан. Дилозорлик шунчалик ҳам бўладими? Бизни чўчитиб юборган қувурнинг тақиллаши қайнотам раҳматлининг невaрасини иш билан чақирганидаги қувур тақиллатишини эслатди. Бу тақиллатишда майинлик, мулойимлик, ҳаттоки чеҳрадаги табассум шундоққина кўриниб тургандек бўлганини ҳис қилгандим. Кечаги қўшнимнинг тақиллатишида-чи зуғум, нафрат, менсимаслик ҳамда ҳақорат шундоққина чатнаб турди.

Америкада ичкиликбозликка берилиб кетиб одамгарчиликдан чиқиб қолган кимса ўз ота-онасини судга бериб, бу йўлдан қайтармаганликлари учун жавоб беришларини ва товон тўлашларини талаб қилган экан. Бизда-чи шарқона ибо, андиша, риоя қилиш, қолаверса бепарволик, бефарқ қараш деса ҳам бўлади, мана шулар қон-қонимизга сингиб кетган. Аслида аҳмоқона иш тутган америкаликка ўхшамасак-да оилада, қўни-қўшни, маҳалла-кўйда сир тутилиши керак бўлган оламшумул хайрли иш — фарзандликка олиб етимесирнинг пешонасини силаб бутун борлиғини шу гўдакнинг камол топишига бахшида қилинган олижаноблик ошкор қилинганлиги учун айблаб судга шикоят билан арз қилсак.

Қўшнимиз каби тилига эрк бериб инсон шахсини хўрлашгача бораётган дилозорлар топилмайди, дейсизми? Мана шундайлар қора курсига ўтириб қонун олдида жавоб берсалар. Андиша йўлига қонунга ҳам назар ташлайлик. Ҳурматли газетхонлар, бу тўғрида сиз нима дейсиз?

*Жаҳонгир АБУБАКИРОВ.*

